

## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК СОҲАСИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Беркинов Бозорбой Беркинович**  
ТДИУ “Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар  
маркази” директори, и.ф.д., профессор

**Шакирова Гўзал Абраловна**  
ТДИУ “Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар  
маркази” катта илмий ходими  
E-mail: [guzal.86@bk.ru](mailto:guzal.86@bk.ru)

**Аннотация:** Мақолада давлат-хусусий шериклик соҳасида олий таълим тизими дастури доирасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш ва ўқув адабиётларини танлаш жараёнларининг асослаш йўналишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада давлат-хусусий шериклик учун олий ўқув юртида кадрлар тайёрлаш, давлат ва хусусий сектор мутахассисларини қайта ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича махсус ўқув тузилмаларини (ўқув курслари тизимини) ташкил этиш таклифлари асосланган.

**Калитли сўзлар:** давлат-хусусий шериклиги, хусусий сектор, олий таълим, кадрлаш тайёрлаш, малака ошириш, ўқув дастури.

**Annotation:** The article analyzes the directions of training, retraining and advanced training in the framework of the higher education program in the field of public-private partnership and the rationale for the selection of educational literature. The article also provides proposals for the creation of a special structure (system of training courses) for public-private partnerships in higher education, retraining and advanced training of personnel in the public and private sectors.

**Key words:** public-private partnership, private sector, higher education, training, professional development, curriculum.

### Кириш

Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга ошириш босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Бунга мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларда белгиланган Давлат-хусусий шериклик тамойиллари ва устувор вазифалар асос сифатида хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган давлат-хусусий шериклик соҳасини бошқариш учун кадрлар тайёрлаш, уларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўта долзарб ташкилий, иқтисодий ва таълим-тарбия аҳамиятига эга вазифалардан ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, давлат-хусусий шериклик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ўта мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу жараёнда иштирокчилар юқори билим, кўникма ва тажрибага эга мутахассислардан иборат бўлиши лозим. Ҳозирги босқичда давлат-хусусий шериклик соҳаси учун зарур мутахассис кадрларнинг сони ўсиб бориш тенденциясига эга, бу ушбу соҳа учун илмий, ўқув ва амалий адабиётларни

хам кўпайтиришни талаб этмоқда. У ўқув-услубий ишланмаларнинг сифатли бўлишини кўзда тутди.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Давлат-хусусий шерикликни ташкил қилиш ва уни ривожлантириш муаммоларига кўплаб хорижий ҳамда мамлакатимиз олимларининг илмий-назарий ва амалий тадқиқотлари бағишланган. Ушбу соҳада энг кўп илмий ишлар АҚШ ҳамда Европа мамлакатларида чоп этилган ва уларнинг амалиётга татбиғи масалалари XX аср ўрталаридан бошланган. Россия Федерациясида давлат-хусусий шериклик бўйича тадқиқотлар 1980 йил бошларини ўз ичига олади.

Ҳар бир мамлакатда давлат-хусусий шериклик тадқиқотлари ўз эволюцион ривожланиш йўлини босиб ўтган ва уларни амалиётга жорий этиш узоқ вақт талаб этган. Таҳлилларга кўра, бошқариш амалиётига киритилаётган ишланмалар одатда ушбу соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишдан бошланган.

Ўзбекистонда “Давлат хусусий-шериклик тўғрисида”ги қонун 10 май 2019 йилда қабул қилинган, ундан аввал 2018 йил 20 октябрда ЎзР Президентининг “Давлат хусусий-шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3980-сонли қарори қабул қилинган [1,2]. Ушбу қонунчилик Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик, давлат билан хусусий ҳамкор ўртасидаги ташкилий-иқтисодий, молиявий муносабатларини кескин ривожлантириш учун ҳуқуқий-институционал асослар яратиб бермоқда [3-7].

Хорижий мамлакатларда давлат-хусусий шерикликнинг турли таърифлари мавжуд. Улар орасида энг умумий таърифни Жаҳон банки берган [8]: «ДХШ – бу оммавий ва хусусий томонлар ўртасида инфратузилмавий хизматларни ишлаб чиқариш ва кўрсатиш борасида қўшимча инвестицияларни жалб қилиш мақсадида тузиладиган битим ва бюджетдан молиялашнинг самарадорлигини ошириш воситаси».

Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг алоҳида мамлакатларида давлат-хусусий шерикликнинг ўз таърифлари мавжуд. ДХШ анча кенг тарқалган Буюк Британияда хўжалик юритишнинг ушбу шакли «ҳукуматнинг замонавий, юқори сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш ва мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш борасидаги стратегиясининг асосий элементи» сифатида таърифланади. «Давлат-хусусий шериклик “хусусий молиявий ташаббус”дан тортиб то қўшма корхоналар ва концессиялар, аутсорсинг, тижорат фаолиятини амалга оширувчи давлатга қарашли корхоналардаги акцияларнинг бир қисмини сотишгача бизнес-тузилмалар ва шериклик шакллариининг кенг доирасига эга» [9].

Ирландияда ДХШ деганда «муайян лойиҳани амалга ошириш ёки аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш мақсадида давлат ва хусусий секторларнинг ҳамкорлиги, бунда хизматлар кўрсатиш мажбурияти давлат сектори зиммасига юклатилади» [10].

Россияда сўнгги йилларда чоп этилган адабиётларда ДХШнинг турли талқинлари келтирилган, масалан: «Давлат-хусусий шериклик – давлат бошқаруви мақсадларига эришишга йўналтирилган иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш доирасида давлат ва бизнеснинг манфаатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми» [11].

Ўзбекистонда ҳамда хорижий мамлакатларда ДХШга берилган таърифларни

умумлаштириб, ДХШни қўйидагича таърифлаш мумкин: давлат-хусусий шериклик давлат билан хусусий сектор ўртасидаги давлат ва муниципал мулк объектлари, шунингдек, иқтисодий фаолият турларининг кенг доирасида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва муниципал органлар, муассасалар ва корхоналар томонидан бажариладиган ва кўрсатиладиган хизматлар борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг юридик жиҳатдан тасдиқланган шаклини ўзида намоён этади [12].

Таҳлилларга кўра, ДХШ тушунчасига ягона таъриф мавжуд эмас. Аммо ҳар бир давлат ўз таърифини давлат билан хусусий ҳамкорликнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб шакллантирган. Алоҳида давлатда умумқабул қилинган таърифлар қонунчилик ва қонун ости ҳужжатларини ягона талаб асосида ишлашни таъминлашда фойдаланиш, ўша давлатнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ҳолатига боғлиқ ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олганда, ДХШ ўқув адабиётларида умум эътироф этилган қоидалар билан бирга, ушбу давлат қонунчилиги фан амалиётида белгиланган қоида ва талабларни ўз ичига олиши шарт.

Ҳозирги кунда ўқув адабиётларини мамлакатимиз амалиётига қўллаш юзасидан зарур чоралар кўрилмақда. Улар асосан ҳозирги босқичда мавжуд қонунчилик ҳужжатлари бўлса, яна бир қисми хорижий мамлакатлар ўқув адабиёти ҳисобланади. Ушбу йўналишларда дастлабки фаннинг ўқув модули А.Э. Шайхоннинг таҳрири остида “Теория и практика государственно-частного партнёрства” номи билан 2013 йилда чоп этилган [13] Давлат-хусусий шерикликнинг муҳим услубий воситаси – “Низоми” ҳисобланади ва бу ўқув жараёнида муҳим ўрин тутиши лозим.

Давлат-хусусий шериклиги соҳасида унинг назарий жиҳатларини ривожлантириш “Теоритические аспекты развития государственно-частного партнёрства в Казахстане” [14] ҳамда [15], [16] илмий ишларда таҳлил қилинган.

Давлат-хусусий шериклик соҳасида хорижий давлатларда кўплаб илмий ишлар ва услубий адабиётлар мавжуд бўлса-да, Ўзбекистонда ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш талабларини ҳисобга олиб, ўзаро боғлиқ дастурий вазифалар сифатида ишлаб чиқилмаган. Шуларни ҳисобга олганда ушбу таҳлилий тадқиқотнинг асосий мақсади – давлат-хусусий шериклик соҳаси учун олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш дастурини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг методологик жиҳатлари ушбу соҳа фанининг концепцияси ва унинг шакллари асосланиши керак.

Мазкур соҳада кадрлар тайёрлаш дастурий воситалари, аввало, қўйидаги методологик жиҳатларни ҳисобга олишни таъминлаши лозим:

- давлат-хусусий шериклик концепциясининг асосий таркибий қисмларини;
- давлат билан хусусий шерикликни амалга ошириш шаклларини;
- давлат-хусусий шерикликнинг мазмун-моҳияти ва унинг таянч ибораларини;
- ҳар бир ҳудудда иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида ДХШни ташкил этиш ҳамда амалга оширишнинг асосий шартларини;
- давлат билан хусусий шерикларга хизмат кўрсатишнинг асосий тамойилларини.

Шулар билан бирга, ДХШнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- томонлар манфаатлари тенглиги ва ҳаракатларни танлаш эркинлиги;
- ДХШ шартномасининг барқарорлиги ва бир вақтнинг ўзида уни ўзгартириш ва мослаштириш имконияти;
- шартнома шартларининг бажарилиши учун жавобгарлик;
- рақобатчилик;
- шаффофлик ва тескари алоқа;
- давлатнинг хусусий шерикнинг жавобгарлиги соҳасига аралашмаслиги;
- рағбатлантириш ва кафолатлар;
- қайтарилиш;
- хорижий компанияларга нисбатан тенг ҳуқуқли муносабат.

ДХШнинг шаклини белгилаб берувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- миллий қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятлари;
- инвестиция таваккалчиликларини тақсимлаш схемалари;
- шериклик учун зарур шартномавий муносабатларни ташкил этиш тажрибаси;
- лойиҳа ёки фаолият турининг қайси тармоққа мансублиги;
- объект хизматлари учун ҳақ тўловчи(лар)ни ва у(лар) учун танланган шаклнинг оқибатлари.

Хорижий давлатларда ДХШнинг қуйидаги асосий шакллари қўлланилади:

- 1) хусусий секторнинг инвестициявий мажбуриятларини мужассам этган давлат шартномалари;
- 2) давлат мулкани ижарага олиш;
- 3) капиталда иштирок этиш;
- 4) концессиялар (концессия битимлари);
- 5) маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимлар;
- 6) турли хил ишлар ва мулк муносабатларини мужассам этувчи шартномалар.

Ушбу методологик қоидалар ДХШ соҳасида кадрлар тайёрлаш учун ўқув адабиётлари ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга киритишни асослаш имконини беради.

### **Таҳлил ва натижалар**

Хорижий мамлакатлар тажрибаларига кўра, давлат -хусусий шериклик лойиҳаларини самарали амалга ошириш кадрлар салоҳияти ҳамда уларнинг билим даражасига боғлиқ. Шуни инобатга олганда ушбу масалага жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунга мувофиқ (12-модда) Давлат-хусусий шериклик соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш вазифалари Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига юклатилган. Шуни ҳисобга олганда ДХШ учун кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича вазифаларнинг амалда ижросини таъминлаш учун махсус ўқитиш тизимини яратиш лозим. Унга ўқитиш билан шуғулланувчи муассаса ёки махсус курслар, ўқув адабиётлари, ўқув дастурлари талаб этилади. Шуларни ҳисобга олиб, қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Ўзбекистонда ДХШ соҳаси учун олий таълим тизими магистратура бўлимида магистр ўқув дастурлари доирасида, масалан, ТДИУ, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа ОТМда мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш таклиф этилади.

2. Олий таълим ўқув режаларига бакалавриат босқичи учун “Давлат- хусусий шериклик”, “Оила иқтисодиёти”, “Уй хўжалиги менежменти” ва бошқа янги фанларни киритиш тавсия этилади.

3. Олий таълимнинг магистратура мутахассислиги ва бакалавриат босқичларида ўқитилаётган “Макроиқтисодий сиёсат” (магистратура), “Микроиқтисодиёт”, “Менежмент”, “Институционал иқтисодиёт”, “Инвестиция лойиҳалари таҳлили”, “Инвестиция лойиҳаларини бошқариш” ва бошқа турдош фанлар ўқув дастурларини ДХШни ташкил этиш ва бошқариш усуллари ҳамда оилани қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат билан хусусий сектор ҳамкорлиги лойиҳаларини шакллантириш концепциясини ишлаб чиқиш, лойиҳаларни экспертиза қилиш, молиялаштириш, мониторингини амалга ошириш ҳамда самарадорлигини баҳолаш тўғрисида мавзулар билан тўлдириш таклиф этилади.

4. Давлат бошқарув органлари раҳбар ходимлари ва мутахассисларини хусусий секторнинг ДХШ иштирокчилари мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича махсус ўқув тузилмаларини ташкил этиш таклиф этилади. Ушбу таклифни қуйидаги вариантлардан бири орқали амалга ошириш мумкин.

4.1. Тошкент шаҳрида ДХШ бўйича асосий (таянч) малака ошириш ва илмий тадқиқот маркази ва унинг айрим вилоятларда (Самарқанд, Фарғона, Хоразм) минтақавий филиалларини ташкил этиш. Марказда ДХШ соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари давлат гранти лойиҳалари доирасида амалга ошириш мумкин.

4.2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳозирги кунда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш тармоқ ҳамда минтақавий марказларини ДХШ бўйича махсус курсларда ўқув дастурларини амалга оширишга жалб этиш мумкин.

4.3. Ҳозирги кунда ЎЗР вазирликлари, идоралари, йирик компаниялари тизимида малака ошириш бўйича фаолият юритаётган ўқув марказлари мавжуд. Шундай марказлар қошида махсус ўқув дастурлари бўйича махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш йўли билан ДХШ бўйича ўқитиш ва малака оширишни йўлга қўйиш мумкин.

Бу таклиф этилган тузилмаларда (танланганида) оилани қўллаб-қувватлаш бўйича ДХШ соҳаси билан боғлиқ кадрлар ва мутахассисларни ҳам ўқитиш ва малакасини ошириш мумкин. Аммо мураккаб ижтимоий тузилма сифатида оилани қўллаб-қувватлаш ва уни мустаҳкамлаш соҳасида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ кадрларни ўқитиш ва малака оширишни ташкил қилиш учун қуйидаги таклифларни ҳам ҳисобга олиш зарур:

а) оиланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, уни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш бўйича ДХШ муносабатларини амалга оширишнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

б) ўқув дастурининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишни ДХШ бўйича кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича юқорида таклиф этилган (4.1-4.3-бандларга қаранг) тузилмаларнинг биттасига топшириш ёки бунинг учун алоҳида марказ (ёки ўқув курслари) ташкил қилиш.

Оилани қўллаб-қувватлаш ва уни мустаҳкамлаш мураккаб ва кўп қиррали жараён эканлигини ҳисобга олганда ота-оналарга ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий,

молиявий, шунингдек, оилавий тадбиркорлик (бизнес) ва бошқа йўналишларни ўз ичига олувчи махсус адабиётлар ва журналлар чоп этиб бориш, яъни:

а) ота-оналарни қўллаб-қувватлаш учун маълумотнома (справочник);

б) оила учун юридик маслаҳатчи (журнал);

в) Ўзбекистонда оилавий бизнесни ташкил этиш ва бошқариш (ўқув қўлланма ёки справочник).

Ўзбекистонда мактабгача ва мактаб таълим тизимларида ДХШ бўйича тўпланган тажрибаларни ҳисобга олиб, ДХШ соҳасида кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратишни ДХШ лойиҳалари доирасида амалга ошириш тавсия этилади.

Ушбу соҳадаги ишларни бир неча сегментларга ажратиш мумкин, яъни бино танлаш, таъмирлаш ёки янги бино қуриш, ўқиш дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

1. ДХШ бўйича ўқитиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш 4.1-бандда таклиф этилган шаклда амалга оширилса, яъни алоҳида марказ ташкил қилиш бўйича қарор қабул қилинса:

а) мавжуд бинолардан ўқитиш ишларини тўлақонли амала ошириш талабларига мос келувчи бинони танлаш ва уни ДХШ шартномаси асосида капитал (ёки жорий) таъмирлаш, жиҳозлаш ва фойдаланишга топшириш;

б) бинодан фойдаланишни шартнома асосида (жорий таъмирлаш ишларини ҳам қўшиб) хусусий секторга бериш. Бунда харажатларни қоплаш ўқиш ва малака ошириш ишларини ташкил этаётган муассаса ҳисобига амалга оширилади.

2. ДХШ бўйича ўқиш ва малака ошириш муассаса учун янги бино қуриш лозим бўлса, унда ўқув биноси учун давлат томонидан ер ажратилгандан сўнг бинони лойиҳалаштириш, қуриш, бинони жиҳозлаш, бинодан фойдаланиш босқичларини хусусий сектор вакилига (ёки вакилларига) концессия (ёки тўғридан-тўғри, ижара) шартномалари асосида бериш мумкин. Хусусий сектор вакиллари бундай ишларни бажариш учун ўз инвестицияларини киритиши ёки давлат бюджети ёки хорижий банк кредитлари ҳисобига амалга оширишлари мумкин.

3. ДХШ бўйича ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни тасдиқлаш учун келишиш бўйича ишларни олий ўқув юртлари кафедраларига, вазирликлар ҳузуридаги Малака ошириш тизими Марказларига ёки ДХШ соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган мутахассис ёки улар гуруҳига шартномалар тузиш орқали юклаш мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар**

Давлат-хусусий шериклиги Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги воқелик ҳисобланади ва бу давлат билан хусусий бизнесни кенгайтириш ва мураккаблашув жараёнини ўзида акс эттиради.

1. Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта ўқитиш ҳамда малакасини ошириш иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичидаги долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳозиргача ушбу соҳа йўналишларида эришилган натижалар давлат билан хусусий шерик ўртасидаги мулкрий муносабатларни қонунчиликда белгиланган вақтда сифатли амалга оширишга тўлиқ имконият бермаяпти.

2. Давлат-хусусий шериклик соҳасида кадрлар етишмаслиги ва уларнинг билимини юқори даражага олиб чиқиш олий таълим тизимида бакалаврият ҳамда

магистратура таълим йўналишлари, шунингдек, қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш курсларида ўқиш жараёнларини фаоллаштиришни талаб этади.

3. Давлат-хусусий шериклик йўналишларида ўқиш ва малака ошириш учун ўқув адабиётларини танлаш ҳамда уларни тайёрлаш, ДХШни ташкил этишнинг тамойиллари, қонунчилик ҳам иқтисодиёт тармоғи ва соҳасининг ўзига хос хусусиятлари, давлат шериги билан хусусий шерик ўртасидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш усуллари асосида амалга оширилиши зарур.

4. Университет ҳамда турли даражадаги таълим соҳалари, хусусий тадбиркорликнинг молиявий ресурсларини бирлаштириш асосида турли поғоналарда инновацион таълим кластерини шакллантириш механизмини ишлаб чиқиш таклиф этилади. Бу ДХШ соҳасида илмий-техник ҳамда таълим хизматлари кўрсатиш сифати бирмунча ошишига хизмат қилади.

5. Давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш рақамли иқтисодиётни ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этишни талаб этади, шуларга асосан ушбу соҳада кадрларни ўқитиш ва бунинг учун кенг кўламда ўқув адабиётларини тайёрлаш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни, ЎРҚ-537-сон, 10 май 2019 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-3980-сонли “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни ривожлантириш борасида давлат-хусусий шерикликни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси. <https://regulation.gov.uz/oz/dokument/1110>

4. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат-хусусий шерикликни ривожланиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 1009-сонли қарори. 13.12.2018 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4290-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, қабул қилинган сана 16.04.2019 й., кучга кирган сана 17.04.2019 й.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3931-сонли “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 05.09.2018 й.

7. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 944-сонли “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик шакллари янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 22.11.2018 й.

8. Delmon J. Private Sector Investment in Infrastructure: Project Finance, PPP Projects and Risk. The World Bank and Kluwer Law International. 2009. P. 7.

9. Green Paper on services of general interest. COM(2003) 270. 21.05.2003. European Parliament Resolution on the Green Paper on Services of General Interest. 14.01.2004 (T5-0018/2004).

10. Семинар «Государственно-частные партнерства – новая форма взаимодействия государственного и частного секторов в финансировании инфраструктурных и социальных проектов». – Москва: Посольство Великобритании, 2003. -С. 27.

11. Закон Российской Федерации от 25.12.2006 г. № 627-100 «Об участии Санкт-Петербурга в ГЧП».

12. Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази”нинг йиллик илмий ҳисоботи, 2020 йил.

13. Теория и практика государственно-частного партнерства; учебный модуль. /Под редакцией А.Э. Шайхова. – Ташкент, 2013.

14. Теоретические аспекты развития государственно-частного партнерства в Казахстане. [http://www.uecs.ru/index.php?option=com\\_flexicontent&view=items&id=5131](http://www.uecs.ru/index.php?option=com_flexicontent&view=items&id=5131)

15. Closing the Infrastructure Gap: The Role of Public-Private Partnerships. A Deloitte Research Study. Deloitte Development LLC, 2006. URL: <http://www.deloitte.com/assets/Dcom-UnitedStates/Local%20Assets/Documents/>

16. Public/Private Partnerships: Financing a Common Wealth / ed. by B. Weiss. Washington, 1985. P.